

ЎЗБЕКИСТОН ВА СЛОВЕНИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРГАН ТАРИХИЙ ТАШРИФ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Словения Республикаси Президентини Наташа Пирц Мусарнинг таклифига биноан 21-22 май кунлари расмий таширф билан ушбу мамлакатда бўлди.

22 май кунли Люблянадаги Конгресс майдонида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарини Словения Президенти Наташа Пирц Мусар самимий кутиб олди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул сафланди. Ҳарбий оркестр Ўзбекистон ва Словения давлат мадҳияларини ижро этди.

Икки мамлакат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзолари билан саломлашдилар.

Расмий маросимдан сўнг "Звезда" боғида уруш қўрбонлари хотирасига ҳурмат ҳамда тинчлик ва инсонпарварлик ғояларига садоқат рамзи сифатида Барча урушлар қўрбонлари ёдгорлигига гул қўйилди.

Шундан сўнг Любляна шаҳридаги Президент саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Словения Республикаси Президентини Наташа Пирц Мусарнинг тор доирадаги ва расмий делегациялар иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Словения етакчисига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, сўнги йигирма йилда илк бор ўтказилган олий даражадаги тадбирлар икки мамлакат муносабатларида янги босқичнинг бошланиши сифатида тарихга киришини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Словения ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Сиёсий мулоқот, турли даражадаги алоқалар ва ишбилармонлик учрашувлари фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Икки мамлакат БМТ ва

бошқа халқаро тузилмалар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Кейинги йилларда товар айирбошлаш уч баробар кўпайди. Маданият ва туризм соҳаларидаги алмашинувлар кенгаймоқда. Ўзбекистонда Словения фуқаролари учун визасиз режим жорий этилган.

Икки томонлама муносабатларга тизимли тус бериш учун олий ва юқори даражадаги мунтазам мулоқотни йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Товар айирбошлашни кўпайтириш ва унинг ҳажмини, энг аввало, маҳсулотлар турини кенгайтириш ва импорт ўрнини босиш ҳисобига биринчи босқичда 500 миллион еврога етказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистондан тўқимачилик, мева-сабзавотлар, минерал ўғитлар, мис маҳсулотлари ва бошқа саноат товарлари, Словениядан эса, дори-дармонлар, илгор технологиялар ва ускуналар етказиб бериш шулар жумласидан.

Словениянинг "Копер" порти салоҳиятидан Европа Иттифоқи бозорига чиқиш учун логистика хаби сифатида фойдаланиш имкониятлари ўрганилади.

Словениянинг етакчи компаниялари билан Саноат кооперацияси дастурини қабул қилиш, шунингдек, замонавий асбоб-ускуналар, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, фармацевтика маҳсулотлари, шу жумладан, асал ва шифобахш гиёҳларга асосланган дори ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, энергетика объектларини қуриш ва модернизация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувларга эришилди.

Меҳнат миграцияси соҳасида тизимли ҳамкорлик қилиш учун тил, касбий кўникмалар ва меҳнат стандартлари бўйича ўқитиш, мослаштириш дастурларини ишлаб чиққан ҳолда Уюшган меҳнат миграцияси тўғрисидаги битимни тайёрлашга келишиб олинди.

Туризмни, айниқса, қишлоқ ва тоғли ҳудудларда ривожлантириш истиқ

болли йўналиш сифатида белгиланди. Таълим соҳасида томонлар дипломларни ўзаро тан олиш тўғрисидаги битимни имзолашга ҳамда Любляна ва Марибор университетлари билан қўшма таълим дастурларини йўлга қўйишга келишиб олдилар.

Бундан ташқари, келгуси йилда Тошкент шаҳрида икки мамлакат олий таълим муассасалари ва илмий марказлари иштирокида Ёшларнинг инновацион лойиҳалари форуми ўтказилади.

Гуманитар алмашинувни мустаҳкамлаш мақсадида, томонлар ўзаро маданият кунлари ва Любляна шаҳрида Ўзбек киноси ҳафталигини ўтказиш ташаббусини илгари сурдилар.

Белгиланган барча вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида, Хукуматлараро комиссиянинг биринчи йиғилишини жорий йил июль ойида Любляна шаҳрида ташкил этишга қарор қилинди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари Словения Президентини Наташа Пирц Мусарга ўзи учун қўлай вақтда жавоб ташрифи билан Ўзбекистонга келишни таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Словения Республикасига расмий ташриф доирасида ушбу мамлакат Бош вазири Роберт Голоб билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон билан Словения ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик ва амалий шерикликни, энг аввало, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳаларда кенгайтириш масалалари диққат марказида бўлди.

Бўлиб ўтган олий даражадаги музокараларнинг самарали натижалари юксак баҳоланди.

Савдо, инвестиция ва кооперация соҳаларида биргаликдаги ишларни фаоллаштириш муҳим экани таъкидланди. Ташриф доирасида ўтказилган бизнес форуми янги алоқаларни ўрнатиш ва қўшма лойиҳаларни илгари суриш учун самарали майдон бўлиши таъкидланди.

Талаб юқори бўлган маҳсулотларни ўзаро етказиб беришни кўпайтириш

орқали товар айирбошлаш ҳажмини 500 миллион еврога етказиш чоралари кўриб чиқилди. "GSP+" преференциялар тизими ва имзоланган стандартлаштириш тўғрисидаги битим ҳам савдонинг ўсишига туртки беради.

Технологик модернизацияга ургў берган ҳолда Саноат кооперациясини ривожлантириш дастури тайёрланади. Шу маънода, Словения етакчи компанияларининг Ўзбекистонда электротехника, ускунасозлик, фармацевтика, "яшил" энергетика, "ақлли" қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги интилишлари қўллаб-қувватланди.

Бундай ишлаб чиқаришларни мамлакатимизда "Inpark" бошқарувида Европа компаниялари учун ташкил этилаётган махсус саноат паркида жойлаштириш таклиф этилди.

Меҳнат миграцияси соҳасида тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида, доимий фаолият юритувчи экспертлар гуруҳини тузиш ва зарур норматив-ҳуқуқий базани тайёрлашга келишиб олинди.

Шунингдек, икки мамлакат ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновларни йўлга қўйиш ва ўзбек маҳсулотларининг Европа Иттифоқи бозорига чиқиши учун "Копер" порти инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини биргаликда ўрганишга келишиб олинди.

Маданий-гуманитар алмашинувни кенгайтириш масалалари музокараларнинг алоҳида мавзуси бўлди. Экологик туризмни, шу жумладан, тоғли ва қишлоқ ҳудудларида ривожлантириш бўйича Словения тажрибасига алоҳида қизиқиш билдирилди.

Эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида икки мамлакат ҳукуматлари томонидан кенг қамровли "йўл харитаси" қабул қилинади.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари Словения Бош вазири Роберт Голобни ўзи учун қўлай вақтда Ўзбекистонга ташриф билан келишга таклиф этди.

(Давоми 2-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҚАРОРИ

2025 йил 29 апрель № 10 Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан, шунингдек, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини бир хил қўллаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг умумий масалалар бўйича қуйидаги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг "Суд ҳокимияти тўғрисида" 1996 йил 20 декабрдаги 1/60-сонли қарори:

2-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16-моддасига мувофиқ, бирорта қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституциянинг принцип ва нормаларига зид бўлиши мумкин эмас";

13-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"13. Судлар ишларни ва материалларни қўришда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасига кўра, давлат бозор муносабатларини ривожлантириши ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратиши, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлаштириш принципига оғишмай риоя этишлари шарт. Шуни назарда тутиш лозимки, Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқчилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади, хусусий мулк дахлсиздир. Шунинг учун судлар ишларни қўришда давлат органлари ва мансабдор шахслар мулкдорнинг ҳуқуқларини қанчалик ҳимоя қилаётганлиги ва

уларга риоя этаётганлигини аниқлашлари, асоссиз текширишлар, тафтишлар ва ҳоказо фактларга тегишли муносабат билдиришлари ҳамда бундай ноқонуний ҳаракатлар натижасида мулкдорга етказилган зарарни айбдор мансабдор шахслардан ундириш чораларини қўришлари лозим".

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Суд муҳокамаси ошқоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида" 2020 йил 21 февралдаги 04-сонли қарори:

4-бандидаги "судьялар мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсунадилар" деган сўзлар "судьялар мустақилдирлар, фақат Конституция ва қонунга бўйсунадилар" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"11. Давлат сирини, тижорат сирини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни сақлаш мақсадида ишнинг ёпиқ суд мажлисида муҳокама қилинишига, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат сирлари тўғрисида", "Тижорат сирлари тўғрисида"ги Қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ишда давлат сирини, тижорат сирини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирга оид маълумотлар мавжуд бўлганда йўл қўйилади";

19-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

"давлат сирларига доир, (Ўзбекистон Республикасининг "Давлат сирлари тўғрисида"ги Қонуни 4-моддаси)".

(Давоми 3-бетда) ►

Кейинги йилларда амалдаги қонун ҳужжатларига киритилган тегишли ўзгартириш ва қўшимчалардан келиб чиқиб, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида Олий суд Пленуми ва Олий ҳўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурати юзага келди. Шу боис яқинда Олий суд Пленумининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шарҳ

Пленум қарорларига киритилган ўзгартиришлар

судларда қонун нормалари бир хил таъқин қилинишини ва ягона амалиёт яратилишига ҳизмат қилади

Пленум қарорига биноан амалдаги 136 та қарордан 55 тасига 147 та ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бу ҳуқуқий янгиланишлар амалиётда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларнинг келгусида олдини олиш, айрим ноаниқ ҳолатлар юзасидан тушунтириш бериш, судлар томонидан қонун нормалари бир хилда талқин қилиниши ва ягона амалиёт яратишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида"ги қонуннинг 12 ва 28-моддаларига асосан, Болалар омбудсмани боланинг бузилган ҳуқуқла-



Гулнора МИРЗАЕВА, Олий суд судьяси

ри, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги аризалар ва даъволар билан судларга мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

(Давоми 2-бетда) ►

Моҳият

Фуқаролик ЖАМИЯТИ

уни қўллаб-қувватлаш тизими янада такомиллаштирилмоқда

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида муҳим чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, давлат ва жамият бошқарувидаги ролини ошириш, шунингдек, жамоатчилик назоратини, ижтимоий шериклини такомиллаштириш масалалари доимий эътиборда турибди.

Барча соҳалар шиддат билан ривожланиб бораётган, ҳаётиини тобора рақамлашгаётган бугунги давр амалдаги қонунчиликни қайта кўриб чиқишни ва уни замонга мос тарзда янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Хусусан, ижтимоий-иқтисодий соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш, нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятининг эркинлиги ка-

фолатларини мустаҳкамлаш ҳамда ҳомийлик хайрияларини йиғиш тартибини аниқ белгилаш зарурияти юзага келмоқда.

Олий Мажлис Сенатининг олтинчи ялпи мажлисида маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун айна шу зарурат нуктаи назаридан



Малика ҚОДИРХОНОВА, Олий Мажлис Сенати Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси

жуда муҳимдир. Мазкур қонун лойиҳаси Президентимизнинг тегишли фармонлари ижроси доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари ва Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган.

(Давоми 2-бетда) ►

Тарих тилсимлари

ҚОДИРИЙНИ йиғлатган Кумуш (Ҳабибулла Қодирийнинг "Отам ҳақида" китобидан айрим боблар)


◄ (Бошланиш ўтган сонларда)

«Меҳробдан чаён»

1926 йилнинг кузидан Қодирий иккинчи роман — "Меҳробдан чаён"ни ёзишга тутинадилар.

Бу асар ҳам тарихий. У баъзи тарихий шахслар, халқ, ҳаёт, давр жиҳатидан олиб қаралганда, гўё "Ўтган кунлар"нинг давомидек кўринса ҳам (масалан, "Ўтган кунлар"да Худоёрхоннинг тахтта янги ўтирган даврлари тасвирланса, "Меҳробдан чаён"да унинг охири хонлик ҳаёти ифода этилади), би-роқ мавзу, мазмун, воқеаларнинг ривожланиши жиҳатидан бутунлай фарқ қилади.

(Давоми 6-бетда) ►



ЎЗБЕКИСТОН ВА СЛОВЕНИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРГАН ТАРИХИЙ ТАШРИФ

◀(Бошланиши 1-бетда)

Любляна шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Словения Республикаси Бош вазири Роберт Голоб Қўшма баёнот имзоладилар.

Улар ҳузурида икки томонлама ҳужжатларни алмашиш маросими бўлиб ўтди. Булар:

- дипломатик паспорт эгаларини виза талабларидан озод қилиш тўғрисида;
- таълим, фан ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисида;
- транспорт ва логистика соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида;
- “ақлли” шахарларни бошқариш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида;
- стандартлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида;
- сув ресурсларини бошқариш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида;
- туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битимлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Словения Миллий ассамблеяси Раиси Уршка Клакочар-Зупанчич билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон билан Словения ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни, шу жумладан, икки мамлакат парламентлари даражасида янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда парламентлараро алмашинувлар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Жорий йил апрель ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Парламентлараро иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеясида Словения Миллий ассамблеяси комиссияси раиси Предаг Бакович иштирок этди. Икки мамлакат парламентларида "дўстлик гуруҳлари" ташкил этилган.

Қўшма лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва жалдлаштириш учун соҳавий кўмиталар даражасида парламентлараро ҳамкорлик муҳимлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, гуманитар ҳамкорликни қўллаб-қувватлашда, жумладан, маданият ва кино кунлари, кўргазмалар ўтказиш, олий таълим муассасалари ўртасида академик алмашинувларни ривожлантиришда парламентларнинг кўмаги зарурлиги қайд этилди. Шунингдек, халқаро парламент ташкилотлари доирасида ташибусларни мувофиқлаштириш ва ўзаро қўллаб-қувватлаш кучайтилади.

Биринчи Ўзбекистон – Словения парламентлараро форумини депутатлар ва экспертлар ҳамжамияти иштирокида Самарқанд шаҳрида ўтказиш таклиф қилинди.

Парламентлар ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича қўшма "йўл харитаси"ни қабул қилишга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Словения Республикаси Президенти Наташа Пирц Мусар билан биргаликда қўшма бизнес форумида иштирок этди.

◀(Бошланиши 1-бетда)

Айтиш керакки, янги қонун билан амалдаги 2 та кодекс – Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Солиқ кодекслари ҳамда 8 та қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш назарда тутилган. Аввало, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган янги нормалар ҳақида тўхталамиз.

Биринчидан, ушбу янги нормаларга кўра, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик – базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса – базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Иккинчидан, жамоатчилик назоратини амалга ошириш натижалари бўйича тайёрланган якуний ҳужжатни кўриб чиқмаганлик – мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Янги қонун билан ҳомийлик тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланмоқда. Ҳомийлик хайрияларини йиғиш тартибини бузиш – фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса, беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятни амалга ошириш тартибини бузганлиги учун маъмурий жарима миқдорини камайтиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Ўъни бундай қилмиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма беш бараваригача (олдин ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача бўлган) миқдорда жарима солинади.

Солиқ кодексига киритилаётган ўзгартиришга кўра, юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижтимоий-сиёсий мақсадларда ташқи манбалардан олинган пул маблағлари ёки мол-мулклари тўғрисидаги маълумотни юридик шахслар — солиқ ҳисоботда, жисмоний шахслар эса, декларацияда акс эттириши шарт.

Ўз навбатида, **“Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”**ги қонун ҳам янги нормалар билан тўлдирилмоқда. Жумладан:

- нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ташқи манбалардан олинган пул маблағлари ва мол-мулкдан фойдаланиш тўғрисидаги ахборотни ҳар чоракда ўз расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида ёхуд ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ёки но-

давлат нотижорат ташкилотларига давлат хизматлари кўрсатиладиган махсус электрон платформасида эълон қилиб бориш;

- ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирларни рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишиш ўрнига хабардор қилиш тартибида ўтказиш;
- ташқи манбалар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилган лойиҳанинг натижаси тўғрисидаги маълумотни белгиланган тартибда эълон қилиш;
- нодавлат нотижорат ташкилотлари-



нинг алоҳида бўлинмаси юридик шахс ҳисобланиши ва рўйхатдан ўтказилиши;

- жамоат фондлари фаолиятига аҳолининг ишончини янада мустаҳкамлаш мақсадида, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш ёхуд фирибгарлик жиноятларини содир этганлиги учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки олиб ташланмаган шахслар томонидан жамоат фондлари ташкил этилмаслиги;


- маҳаллий нодавлат нотижорат ташкилотларида меҳнат фаолиятини юри-тадиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган ходимларнинг сиёсий фаолиятда ҳамда мазкур нодавлат нотижорат ташкилотларининг усталарида белгиланган мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ бўлмаган бошқа фаолиятда иштирок этишини тақиқлаш белгиланмоқда.

Шунингдек, қонун билан **“Жамоат фондлари тўғрисида”**ги қонунга ҳисобот даврида банк ҳисобварақларида пул айланмаси мавжуд бўлмаган фонднинг ўз фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш ихтиёрийлигини назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Бундан ташқари **“Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ка-фолатлари тўғрисида”**ги қонунга дав-

лат субсидияси ва гранти республика бюджети ҳамда маҳаллий бюджетдан Олий Мажлис палаталари томонидан белгиланган тартиб асосида ажратилиши, давлат ижтимоий буюртмасини бериш тартибини такомиллаштиришни назарда тутувчи норма киритилмоқда.

Ушбу қонунда мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада ривожлантиришга ва бунда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаол иштирок этишига кўмаклашиш мақсадида, Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг алоҳида



бўлинмалари тузилиши ҳамда давлат грантларини ажратиш ушбу бўлинмалар орқали ҳам амалга оширилиши мумкинлиги белгиланмоқда.

Шу билан бирга, **“Ҳомийлик тўғрисида”**ги қонунга бир қатор янгиликлар киритилмоқда. Хусусан, “хайрия қўтиси” тушунчаси киритилиб, хайрия қўтиларидан фойдаланиш тартиби белгиланмоқда. Шунингдек, эндиликда олинган ҳомийлик хайрияларини ҳисобга олиш ва улар тўғрисидаги ахборотни ошкор этиб бориш мажбурияти ҳам жорий этилмоқда.

Янги қонуннинг муҳим жиҳатларидан бири – жисмоний шахс ҳомийлик хайрияларини фақат ўзи ёки яқин қариндошлари учун ўз банк ҳисобварақларига ёки шахсий банк картасига пул ўтказиш орқали, нақд пул ёки мол-мулк шаклида йиғишга ҳақли эканлиги белгиланмоқда.

Эндиликда ўзи ва яқин қариндошларидан бошқа ҳомийлик оловчиларнинг манфаатларини кўзлаб, ҳомийлик хайрияларини йиғишга ҳамда пул йиғиш учун ўзига тегишли бўлган банк ҳисобварақлари ва банк карталари рақамлари ҳақида эълон берилишига йўл қўйилмаиди.

Қонунда ҳомийлик ташкилоти ўз таъминоти учун молия йилгида ўзи сарфлайдиган молиявий маблағларнинг кўпи билан 30 фоизидан (олдин 20 фоиз)

фойдаланишга ҳақли эканлиги, ҳомийлик дастурларини молиялаштириш учун молия йилида тушган даромадларнинг камида 70 фоизидан (олдин 80 фоиз эди) фойдаланилиши кераклигини назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам кўзда тутилган.

Жамоатчилик назоратининг натижаларини кўриб чиқишни янада такомиллаштиришга доир нормалар **“Жамоатчилик назорати тўғрисида”**ги қонунга киритилаётган ўзгартишларнинг асосини ташкил этади. Хусусан, жамоатчилик назоратининг натижалари давлат органига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиши, (қўшимча ўрганишни талаб этадиган якуний ҳужжатлар бундан мустасно), бу ҳақда якуний ҳужжатни киритган жамоатчилик назорати субъектига ўн кунлик муддатда ёзма шаклда хабар қилинишини белгилаш бўйича қўшимча киритилмоқда.

Шунингдек, **“Ижтимоий шериклик тўғрисида”**ги қонунда ҳар йили камида бир маротаба соҳавий ва ҳудудий фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан очиқ мулоқот ўтказиш давлат органларининг мажбурияти этиб белгиланмоқда. Бу янгиликни демократик жамият қуриш йўлидаги муҳим қадамлардан бири дейиш мумкин.

“Давлат божи тўғрисида”ги қонунга киритилаётган ўзгаришга кўра, нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ва қайта рўйхатдан ўтказиш давлат божи ундириладиган объектлар рўйхатида киритилмоқда. Эндиликда ҳудудий нодавлат ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида давлат божи ундирилиши назарда тутилмоқда.

“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”-ги қонунга киритилаётган ўзгартиришга асосан, жамоат фондларига енгиллик берилмоқда. Хусусан, бир календарь йилда банк ҳисобварақларида пул айланмаси мавжуд бўлмаган жамоат фондлари мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилмаслиги ҳақида қўшимча киритилмоқда.

Мазкур янги қонунни тайёрлашда АҚШ, Швеция, Финляндия, Россия, Литва, Украина, Беларусъ, Озарбайжон каби давлатларнинг қонунчилиги ва тажрибаси ўрганилди.

Мухтасар айтганда, ушбу янги қонун фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган. Қолаверса, айни қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий шериклик муносабатларини ривожлантиришга, жамоат фондлари фаолиятидаги ортиқча бюрократик талабларни бартараф этишга, шунингдек, ҳомийлик ташкилотлари фаолияти шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади.

Шарҳ

Пленум қарорларига киритилган ўзгартиришлар

судларда қонун нормалари бир хил талқин қилиниши ва ягона амалиёт яратилишига хизмат қилади

онаси қариндошларига нисбатан ҳуқуқлари – сакланиб қолинган ҳолларда ота-онанинг алимент тўлаш мажбуриятлари тугатилмаслиги ва алимент миқдорини ўзгартириш, уни тўлашдан озод қилиш масалалари даъво иши юритиш тартибида ҳал этилиши лозимлиги ҳақида берилган тушунтиришлар

Фуқаролик кодексининг 1113-моддаси ва **“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”**ги қонунинг 37-моддасида зид бўлганлиги сабабли чиқариб ташланди.

Чунки ушбу қонун нормаларида шахсининг вафоти билан унинг алимент тўлаш мажбурияти тугатилиши назарда тутилган.

Шунингдек, **“Рақобат тўғрисида”**ги қонун такомиллаштирилиши муносабати билан Олий суд Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги **“Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”**ги қарорига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Бундан ташқари Пленум қарорининг 25-банди биринчи хатбошиси янги тахрирда баён этилиб, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 276-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ суд қарорининг жавобгар зиммасига аризачининг ҳуқуқлари ва эркинликларини тиклаш ёки уларни амалга оширишдаги тўқсинликларни бартараф этишга оид мажбурият юклаш ҳақидаги қисми ижроси маъмурий органга

ижро муддати кўрсатилган ҳолда юборилиши лозимлиги судларга тушунтирилди.

Бу билан жавобгар зиммасига аризачининг ҳуқуқлари ва эркинликларини тиклашга оид юқланган мажбурият ижроси бўйича ижро варақаси берилиши талаб этилмаслиги ҳамда маъмурий акт ҳақиқий эмас деб топилганда, ушбу масалада алоҳида маъмурий акт қабул қилиниши шарт эмаслиги борасида ойдинлик киритилди.

Маълумки, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 20-моддаси 1-қисмида ишни биринчи инстанция судида кўришда иштирок этган судья, агар суднинг ҳал қилув қарори юқори инстанция суди томонидан бекор қилинган бўлса, шу ишни биринчи инстанция судида янгидан кўришда иштирок этиши мумкин эмаслиги, бундан янги очилган ҳолатлар бўйича ишларни кўриш ҳоллари мустасно эканлиги белгиланган.

Шу боис Олий суд Пленумининг 2018 йил 19 майдаги **“Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”**ги қарори, процессуал кодекснинг ушбу моддасида назарда тутилган қоидалар аризани (шикоятни) қабул қилишни рад этиш, қайтариш, қўрмасдан қолдириш ёки иш юритишдан тугатиш тўғрисидаги ажримлар бекор қилинган ҳолларга ҳам нисбатан таъкид этилмаслиги ҳақидаги тушунтиришлар билан тўлдирилди.

Ўзбекистон Президентининг

мурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга нисбатан татбиқ этилмаслиги ҳақидаги 32⁻банди билан тўлдирилмоқда.

Бундан ташқари 2023 йил 27 сентябрдаги қонун билан Жиноят-процессуал кодексининг 51-моддаси биринчи қисми 9-банди янги тахрирда берилиб, ишни апелляция, кассация ва тафтиш инстанциялари суд мажлисида кўришда ҳимоячи иштироки шарт эканлиги белгиланганди. Шу боис Олий суд Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги **“Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”**ги қарори 27-банди тўртинчи хатбошисидаги ишни ушбу инстанцияси судида маҳкум ҳимоячидан воз кечган ҳолларда, башарти воз кечиш суд томонидан қонунда назарда тутилган қоидаларга риоя этилган ҳолда қабул қилинган бўлса, ҳимоячи иштирокисиз кўришга йўл қўйилиши ҳақидаги тушунтириш чиқариб ташланди.

Шу билан бирга, Пленум қарорининг 31-банди Жиноят-процессуал кодексининг 50-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 21 ноябрдаги қарори талабларига мувофиқлаштирилиб, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳимоячиси сифатида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатнинг иштирок этишини таъминлаш чоралари, унинг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари давлат ҳисобидан қопланиши тартиби кўрсатиб ўтилди.

Хулоса қилиб айтганда, Пленум қарорларига киритилган ўзгартишлар келгусида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, моддий ва процессуал қонун нормаларини тўғри ва бир хил қўллашга хизмат қилиб, одил судловни амалга ошириш ва қонуний қарорлар қабул қилинишида ўзининг самарасини кўрсатади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
Қ А Р О Р И

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

◄(Бошланиши 1-бетда)

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 2020 йил 3 июлдаги 11-сонли қарори:

5-бандининг учинчи хатбошисидаги “кассация шикоят” деган сўзлар “апелляция, кассация шикоят ва тафтиш тартибидagi шикоят” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

II. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қўшма масалалар бўйича қуйидаги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” 2006 йил 22 декабрдаги 13/150-сонли қарори:

10-банди қуйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ушбу қоида кредит қарздорлигини ундириш тўғрисидаги суд буйруғи берилган ҳолларга ҳам татбиқ этилади”;

30.1-банди чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида” 2012 йил 14 сентябрдаги 12/239-сонли қарори:

1-банди қуйидаги мазмундаги биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Судларга тадбиркорлик фаолияти субъектлари, яъни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахсларнинг фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларга доир ишлар тааллуқлидир”;

биринчи хатбоши тегишлича иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

6-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“6. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг (бундан буён матнда ФПК деб юритилади) 26-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 25-моддаси мазмунидан келиб чиқиб судлар шуни назарда тутишлари керакки, якка тартибдаги тадбиркор мақомига эга бўлмаган фуқаро иштирокидаги низолар, фуқаролик ишлари бўйича судларга тааллуқли. Қонун бўйича бундай низоларни ҳал этиш маъмурий судлар ваколатига ўтказилган ҳоллар бундан мустасно”;

7-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Текшириш ўтказишга асос бўлган ҳужжат бекор қилинганида ёки ҳақиқий эмас деб топилганида ёҳуд текшириш қонунда белгиланган асослар мавжуд бўлмасдан ўтказилган ҳолда, у ноқонуний ҳисобланади ва ФПК 71-моддасининг иккинчи қисми, ИПК 66-моддасининг иккинчи қисми ва МСИЮтК 65-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ текшириш натижасида олинган маълумотлар далил сифатида қабул қилинмайди”;

13-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“13. “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига кўра, тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузаётган маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, республика ижро этувчи ҳокимият органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят (ариза) билан мурожаат қилганда давлат божини тўлашдан озод қилинади. Ушбу қоида мазкур тоифадаги ишлар бўйича суд ҳужжатлари устидан шикоят қилинганда ҳам татбиқ этилади”;

14-банди чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судларда ерга оид низоларни кўришда қонунчилик ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2023 йил 20 ноябрдаги 28-сонли қарори:

қуйидаги мазмундаги 25¹-банд билан тўлдирилсин:

“25¹. Фуқаролик кодекси 382-моддасининг биринчи қисмида, агар ушбу Кодекسدa, бошқа қонунларда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкинлиги назарда тутилган.

Шу муносабат билан судлар инobatга олишлари лозимки, прокурор ер участкаси ижара шартномасини бекор қилиш талаби билан фақат шартнома тарафлари манфаатида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиши мумкин.

Бунда низои судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига rioя этилганлигини эътиборга олиш лозим.

Мазкур банднинг иккинчи хатбошисидaги қоида ер ижара шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талабга нисбатан татбиқ этилмаслигига эътибор қаратилсин”.

III. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг жиноят ишлари бўйича қуйидаги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2003 йил 19 декабрдаги 17-сонли қарори:

14-бандининг ўн еттинчи хатбошисидaги “гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини бундай харажатлардан тўлиқ ёки қисман озод этиш” деган сўзлар “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидa белгиланган тартибда гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ҳимоячиси сифатида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатнинг иштирок этишини таъминлаш” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

27-бандининг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

31-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“31. Жиноят-процессуал кодекси 50-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғриси-

да”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ҳимоячиси сифатида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатнинг иштирок этишини таъминлаш чорасини кўради.

Бундай ҳолларда адвокат меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 21 ноябрдаги “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 774-сон қарори 1-иловаси билан тасдиқланган “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомда белгиланадиган тартибда давлат ҳисобидан қопланади”.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Жиноят ишлари бўйича процессуал чиқимларни ундириш амалиёти тўғрисида” 2009 йил 24 ноябрдаги 13-сонли қарори:

10-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“10. Процессуал чиқимларни ундириш масаласини ҳал этиш чоғида судлар процессуал қонунчилик билан бир қаторда “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва ҳолисларга тўланиши лозим бўлган маблағларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2023 йил 28 октябрдаги 570-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни жалб этиш ва уларга ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга rioя этишлари лозим”.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2011 йил 25 ноябрдаги 9-сонли қарори:

3-бандининг иккинчи хатбошисидaги “(Қонуннинг 12-моддаси)” деган сўзлар “(Қонуннинг 40-моддаси)” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суд ҳукми тўғрисида” 2014 йил 23 майдаги 07-сонли қарори:

1-бандининг иккинчи хатбошисидaги “26-моддаси” деган сўзлар “28-моддаси” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Жиноят натижасида етказилган мулкий зиёнини қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2016 йил 27 декабрдаги 26-сонли қарори:

11-бандининг иккинчи хатбошисидaги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 4 июль куни 3239-сон билан рўйхатдан ўтказилган, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш Агентлиги директорининг 2020 йил 1 майдаги 01/11-15/62-сон буйруғи билан тасдиқланган мол-мулкни баҳолаш миллий стандартларига” деган сўзлар

“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 28 декабрда 3487-сон билан рўйхатдан ўтказилган, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш Агентлиги директорининг 2023 йил 25 октябрдаги 01/11-14/29-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Ягона миллий баҳолаш стандартига” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Жиноят ишлари бўйича суд қарорларини ижро этишга оид қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида” 2016 йил 27 декабрдаги 27-сонли қарори:

қуйидаги мазмундаги 4¹-банд билан тўлдирилсин:

“4¹. Судлар, маҳкум жазони ўташига монелик қиладиган даражада оғир касал бўлиб қолганида, — у соғайгунига қадар кечиктирилган ҳукм ижроси юзасидан ҳар олти ойда камида бир марта экспертиза тайинланган ҳолда маҳкумнинг соғлигини аниқлаш чораларини кўришлари лозим”.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2023 йил 20 февралдаги 2-сонли қарори:

рус тилидаги матни 21-бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошилари бирлаштирилиб, яхлит учинчи хатбоши шаклида баён этилсин;

бешинчи хатбоши тегишлича тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

IV. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг фуқаролик ишлари бўйича қуйидаги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 1991 йил 20 декабрдаги 5-сонли қарори:

10-бандининг тўртинчи хатбошисидaги “оқибатида” деган сўз чиқариб ташлансин;

10-бандининг тўртинчи хатбошисидaги “ундиртириб” деган сўз “ундириб” деган сўз билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суд амалиётида фуқаро ва ташкилотларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунларни қўллаш тўғрисида” 1992 йил 19 июндаги 5-сонли қарори:

7-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“7. ФК 100-моддасининг иккинчи қисмига асосан манфаатдор шахс бадном қилувчи маълумотлар унинг вафот этган оила аъзолари ёки қариндошларига нисбатан тарқатилганда ҳам уларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга”.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдирда уларга бўлган ҳуқуқларни тиклаш (чақириб иш юргизиш) ҳақидаги аризаларнинг судлар томонидан қўрилиши тўғрисида” 1992 йил 13 ноябрдаги 5-сонли қарори:

рус тилидаги матни 1-банди қуйидаги тахрирдаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“В этом же порядке подлежат рассмотрению заявления о восстановлении прав по указанным в настоящем пункте документам на предъявителя, выданным

иными банками, действующими на территории Республики Узбекистан”.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувларидаги хатоликларни белгилашни тартибга солувчи қонунчиликни судлар томонидан қўлланиши ҳақида” 1992 йил 13 ноябрдаги 5-сонли қарори:

қарор рақамидаги “5” рақами “5a” рақами билан алмаштирилсин;

рус тилидаги матни 8-бандининг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан мулкни рўйхат (арест)дан чиқариш ҳақидаги ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланиши тўғрисида” 1993 йил 16 апрелдаги 13-сонли қарори:

5-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Қарздор (маҳкум)нинг вояга етмаган фарзандларининг мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги даъволар қарздор бўлмаган отаси (онаси), васий (ҳомий), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар оғибдасмани) ёҳуд прокурор томонидан кўзгатилиши мумкин”.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Хусусийлаштирилган турар жойларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида” 1997 йил 2 майдаги 3-сонли қарори:

11-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“11. Турар жойни эгаликка, шу жумладан фойдаланувчилардан бирининг эгалигига бериш тўғрисидаги шартноманинг қонунийлиги хусусида низо вужудга келган ҳолда, бу шартнома, шунингдек, эгалик ҳуқуқини берувчи давлат ордери манфаатдор шахсларнинг даъво аризалари бўйича суд томонидан битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги фуқаролик қонунчилиги билан белгиланган асосларга мувофиқ ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин”;

25-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Агар даъвогар давлат божи тўлашдан озод этилган бўлса, даъвонинг қаноатлантирилган қисмидан келиб чиқиб унинг белгиланган миқдори жавобгардан давлат фойдасига ундирилади”.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида” 1999 йил 24 сентябрдаги 16-сонли қарори:

21-бандининг тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“Шунга кўра бир тараф пул ёки ашёни қарз учун берганини даъво қилиб, иккинчи тараф уни олганини инкор қилмасдан бу пул ёки ашё қарзга эмас, балки ҳада тариқасида берган деб важ келтирса, суд пул ёки ашёни олган тарафдан битим қарз эмас, балки ҳада битими эканлигини тасдиқловчи далилларни талаб қилиши ва шу асосга кўра низои ҳал қилиши лозим”.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2000 йил 28 апрелдаги 7-сонли қарори:

10-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“10. Судларга тушунтирилсинки, шахсга нисбатан қонунга хилоф тарзда маъмурий жазо қўлланиши ҳолларида ҳам маънавий зиёнини ундиришни талаб қилиш ҳуқуқи вужудга келади”.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Уй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида” 2001 йил 14 сентябрдаги 22-сонли қарори:

2-банди сакизинчи хатбошисидaги “давлат ёки” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8-бандидаги “давлат ёки жамият” деган сўзлар “жамоат” деган сўз билан алмаштирилсин;

рус тилидаги матни 8-бандидаги “государственных или” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

12-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“12. Суд, ишни кўришда ишнинг ҳақиқий ҳолатини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар томонлама тўлиқ ва ҳолисона ўрганиб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг тегишли моддаларида баён этилган ҳаракатларни амалга ошириши зарур, хусусан, тарафлар ёки уларнинг вакилларини суҳбатга тақлиф этиши, уларнинг мазкур даъвога оид барча далил ҳамда эътирозларини ва ишни келишув битими тузиш йўли билан ҳал этиш имкониятларини ўрганиб чиқиши, зарур ҳолларда, тарафларга ишни судда кўришга тайёрлаш ва иш судда қўрилаётган жараёнда ҳам келишув битими тузиш йўли билан тугатишни тақлиф қилиши лозим.”;

24-банди биринчи ва иккинчи хатбошисидaги “давлат ёки” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

24-банди иккинчи хатбошисидaги “Уй-жой кодекси 71-моддасининг тўртинчи-олтинчи қисмларида” деган сўзлар “Уй-жой кодексининг 9-моддасида” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплашга оид низолар бўйича суд амалиёти ҳақида” 2003 йил 19 декабрдаги 18-сонли қарори:

рус тилидаги матни 1-бандидаги “согласно приложению” деган сўзлар чиқариб ташлансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Якка тартибда қўрилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2004 йил 24 сентябрдаги 14-сонли қарори:

рус тилидаги матни 1-бандидаги “интересов и охраняемых законом интересов прав граждан” деган сўзлар “прав и охраняемых законом интересов граждан” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Буйруқ тартибидa иш юритишни тартибга солувчи қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2006 йил 3 февралдаги 4-сонли қарори:

22-бандидаги “2009 йил 24 ноябрдаги” деган сўзлар “2024 йил 16 декабрдаги” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республи-
каси Олий суди Пленумининг “Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида” 2006 йил 22 декабрдаги 17-сонли қарори:

(Давоми 4-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қ А Р О Р И

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

◀(Бошланиши 3-бетда)

рус тилидаги матни **9-бандининг бешинчи хатбошисида**ги “части третий и четвертый статьи 114 ГК” деган сўзлар “час-ти третья и четвертая статьи 114 ГК” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

рус тилидаги матни **14-бандининг тўртинчи хатбошиси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Обратить внимание судов, что законом может быть предусмотрено, что недействительность части сделки при сохранении остальных ее условий не влечет недействительности сделки в целом. Примерами могут быть положения ГК об обязательствах, предусматривающие, что недействительность соглашения об обеспечении обязательства (каковыми являются залог, поручительство, гарантия) не влечет недействительности обязательства (основного обязательства)”.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишлари бўйича экспертиза тайинлаш, ўтказиш ва эксперт хулосасига баҳо беришда суд амалиётида келиб чиқадиган айрим масалалар ҳақида” 2008 йил 12 декабрдаги 24-сонли қарори:

7-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

“7. Тушунтирилсинки, апелляция, кассация ёки тафтиш инстанцияси суди тарафларнинг илтимосномаси ёки ўзининг ташаббуси билан иш матери-алларида мавжуд бўлган ёки тарафлар томонидан қўшимча тақдим этилган ҳужжатлар асо-сида экспертиза ўтказиш мумкин бўлган ҳолатларда, шунингдек, иш апелляция, кассация ёки тафтиш инстанциясида кўрилаётган-да эксперт текширувни ўтказиш зарурияти мавжудлиги аниқланиб, лекин уни ўтказиш янги ҳолат ва далилларни ўрганишни талаб қилган ҳолатларда ҳам эксперти-за тайинлаш ҳуқуқига эга”;

рус тилидаги матни **13-банди биринчи хатбошисида**ги “в истечении” деган сўзлар “по истечении” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

рус тилидаги матни **20-банди иккинчи хатбошисида**ги “проведение исследование” деган сўзлар “проведение исследования” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Вакилликка доир фуқаролик процессуал қонунчилиги нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида” 2010 йил 14 майдаги 5-сонли қарори:

7-бандидаги “(контракт)” деган сўз чиқариб ташлансин;

8-бандидаги “(контракт)” деган сўз чиқариб ташлансин;

рус тилидаги матни **11-бандида**ги “в определении, вынесенному” деган сўзлар “в определении, вынесенном” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13-банди куйидаги тахрирдаги **бешинчи хатбошиси** билан тўлдирилсин:

“юридик шахсларнинг ходимлари ва нотижорат ташкилотлар ваколатли вакиллари учун – уларнинг ушбу ташкилотда ишлашнинг тасдиқловчи ҳужжат (буйруқ, меҳнат дафтарчасидан кўчирма ва ҳ.к.)”;

13-банди бешинчи хатбошиси тегишлича **олтинчи хатбоши** деб ҳисоблансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан никоҳдан ажратилган оид ишлар бўйича қонунчилиқни қўллаш амалиёти тўғрисида” 2011 йил 20 июлдаги 6-сонли қарори:

8-банди чиқариб ташлансин.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан оталиқни белгилашга оид ишларни кўришда қонунчилиқнинг қўлланилиши тўғрисида” 2011 йил 25 ноябрдаги 8-сонли қарори:

6-бандининг биринчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

“6. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, қонунда маскур тоифа ишлар бўйича даъво муддати назарда тутилмаган бўлиб, оталиқ бола туғилганидан сўнг исталган вақтда белгиланиши мумкин. Бунда шуни эътиборга олиш керакки, Оила кодекси 62-моддасининг иккинчи қисми мазмунига кўра, ўн саккиз ёшга тўлган болага нисбатан оталиқ фақат унинг аризасига мувофиқ амалга оширилади, агар у муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, унинг васийси ёки васийлик ва ҳомийлик органининг аризасига асосан белгиланилишига йўл қўйилади”.

18. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчилиқни қўллаш амалиёти тўғрисида” 2013 йил 11 декабрдаги 21-сонли қарори:

рус тилидаги матни **9-бандининг иккинчи хатбошисида**ги “родителями, не достигшими возраста” деган сўзлар “родителей, не достигших возраста” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

рус тилидаги матни **9-бандининг иккинчи хатбошисида**ги “за исключение случаев” деган сўзлар “за исключением случаев” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11-бандидаги “Оила Кодекси 157-моддасининг 1-қисмига” деган сўзлар “Оила кодекси 157-моддасига” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

рус тилидаги матни **12-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

“12. В соответствии с требованиями статьи 155 Семейного кодекса на усыновление необходимо согласие ребенка, достигшего возраста десяти лет, наличие такого согласия выявляется органами опеки и попечительства или судом при рассмотрении дела об усыновлении. В таких случаях суд должен обратить внимание, было ли ребенку в доступной форме объяснены правовые последствия усыновления (общение с родственниками, имущественные и другие споры), изменение его фамилии, имени, отчества, записей в свидетельстве о рождении”;

22-бандининг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

24-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

“24. Тушунтирилсинки, алоҳида ҳолатлар натижасида ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ўни бажариб бўлмайдиган қилиб қўйса (масалан фарзандликка олинаётган бола зудлик билан даволаш курсини ўташи лозимлиги), ФПК 267-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига кўра суд ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этилишига йўл қўйишга ҳақли”.

19. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ҳамда сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ётқириш ёки унинг ушбу муассасаларда ётиши муддатини узайтириш билан боғлиқ фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида” 2015 йил 18

сентябрдаги 14-сонли қарори:

рус тилидаги матни **1-бандида**ги “одной их правовых гаран-тий” деган сўзлар “одной из правовых гарантий ” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

рус тилидаги матни **12-бандининг биринчи хатбошисида**ги “рассмотрении заявления” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

14-бандидаги “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги Қонуни 28-моддасида” деган сўзлар “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги Қонуни 34 ва 36-моддаларида” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз болалар таъминоти учун алимент ундиришга оид ишлар бўйича қонунчилиқни қўллаш амалиёти тўғрисида” 2016 йил 29 июлдаги 11-сонли қарори:

рус тилидаги матни **кириш қисмининг учинчи хатбошисида**ги “четко” деган сўз “конкретно” деган сўз билан алмаштирилсин;

кириш қисмининг тўртинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз болаларнинг моддий таъминот олиш ҳуқуқини таъминлаш ва бу борада Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси нормаларини тўғри ва аниқ татбиқ этилиши бўйича бир хил суд амалиётини шакллантириш мақсадида, “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 17-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарор қилади”;

9-бандининг иккинчи хатбошисидаги “ТМЭҚ” қисқартмаси “ТИЭҚ” қисқартмаси билан алмаштирилсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида” 2018 йил 24 августдаги 26-сонли қарори:

20-бандидаги “суд томонидан” деган сўзлар “судья томонидан” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида” 2019 йил 24 майдаги 12-сонли қарори:

25-бандининг учинчи хатбошисидаги “ФПК 106-моддаси” деган сўзлар “ФПК 267-моддасининг учинчи қисми” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция судининг ажримлари тўғрисида” 2019 йил 25 октябрдаги 19-сонли қарори:

3-бандининг ўттиз саккизинчи хатбошисидаги “ажрим чиқаришга мажбур” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3-бандининг қирқинчи хатбошиси “ажрим чиқаришга мажбур” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

рус тилидаги матни **12-бандининг биринчи хатбошисида**ги “для отказа в принятии” деган сўзлар “для отказа в принятии” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

рус тилидаги матни **13-бандининг биринчи хатбошисида**ги “по вопросу, которое” деган сўзлар “по вопросу, который” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

рус тилидаги матни **15-бандининг йигирма тўртинчи хатбошисида**ги “и другие” деган сўзлар қилиб ташлансин.

24. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан фуқаро-

лик ишлари бўйича қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта қўришни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини қўллаш тўғрисида” 2019 йил 24 декабрдаги 25-сонли қарори:

рус тилидаги матни **12-бандининг биринчи хатбошисида**ги “(статья 443 ГПК)” деган сўзлар “(статья 443 ГПК)” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13-бандининг иккинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Вилоят ва унга тенглаштирилган судлари апелляция, кассация ва тафтиш инстанцияларининг ажримларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризани қаноатлантириш ёки рад қилиш тўғрисидаги ажрими устидан тегишли юқори инстанция судига тафтиш тартибиди шикоят (протест) берилиши мумкин”;

14-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

“14. Биринчи инстанция судининг суд ҳужжатини янги очилган ҳолат бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани рад қилиш ҳақидаги ажрими устидан берилган хусусий шикоят (протест) қаноатлантирилганда, апелляция, кассация ёки тафтиш инстанцияси суди ФПКнинг 47-боби тартибиди ушбу ажримни, шунингдек, ариза-чи томонидан қайта кўриш масаласи қўйилган суд ҳужжатини, агар ушбу суд ҳужжатини қайта кўриш учун қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, бекор қилади. Бундай ҳолда иш тегишли инстанция судига мазмундан кўриш учун юборилади”.

25. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунчилиқни қўллаш амалиёти тўғрисида” 2023 йил 20 февралдаги 3-сонли қарори:

рус тилидаги матни **1-бандининг учинчи хатбошисида**ги “может быть заявлен” деган сўзлар “может быть заявлено” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

26. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан фуқаролик ишларини тафтиш тартибиди кўришнинг айрим масалалари тўғрисида” 2024 йил 25 июндаги 20-сонли қарори:

рус тилидаги матни **8-бандининг тўртинчи хатбошисида**ги “Истечение этого срока является основанием для отказа в ходатайстве о восстановлении срока, а жалоба (протест) рассмотре-нию не подлежит” жумласи янги хатбошидан бошланиб, бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

27. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида” 2024 йил 16 декабрдаги 37-сонли қарори:

29-банди куйидаги тахрирдаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“Апелляция, кассация шикоятни, тафтиш тартибиди шикоятни қаноатлантириш рад этилган тақдирда, суд “Давлат божи тўғрисида”ги Қонун 8-моддасининг иккинчи қисми талабларидан келиб чиқиб, давлат божи масаласини ҳал қилиши лозим”;

29-бандининг иккинчи хатбошиси тегишлича **учинчи хатбоши** деб ҳисоблансин.

V. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг иқтисодий ишларга оид куйидаги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Қишлоқ ҳўжалигида қонунийлиқни таъминлаш ва ердан фойдаланишдаги суиистеъмолчиликларнинг олдини олишда иқтисодий судларнинг ролини ошириш тўғрисида” 2004 йил 12 мартдаги 115-сонли қарори:

2-бандидаги “Қишлоқ ҳўжалик кооперативи (ширкат ҳўжалиги) тўғрисида”ги деган сўзлар “Қишлоқ ҳўжалиги кооперативи тўғрисида”ги” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2-бандидаги “Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чо-ра-тадбирлари тўғрисида” 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли,” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

“5. Иқтисодий судлар шу ҳолатни эътиборга олсинларки, фермер ҳўжалиги билан ер ижараси шартномасини тузган қишлоқ ҳўжалик кооперативи тугатилган ҳолларда ер ижараси шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6-моддасига мувофиқ, туман ҳокимликлари даъвогар сифатида қатнашишлари мумкин”.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан келишув битимини тасдиқлашда процессуал қонун нормаларининг қўлланилишига оид айрим масалалар тўғрисида” 2009 йил 18 декабрдаги 204-сонли қарори:

24-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

“24. Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишлар бўйича келишув битимини тузиш ва уни суд томонидан тасдиқлаш тартиби “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан белгиланади”.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Мулк ҳуқуқини тан олишга оид ишларни кўришда иқтисодий судлар томонидан қонун ҳужжатлари қўлланилишининг айрим масалалари тўғрисида” 2010 йил 19 ноябрдаги 220-сонли қарори:

2-бандидаги “54-моддаси” деган сўзлар “66-моддаси” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Мулк ижараси шартномасига оид фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини иқтисодий судлар томонидан қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2011 йил 1 декабрдаги 234-сонли қарори:

5-бандининг иккинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Судлар назарда тутишлари керакки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулкни ижарага бериш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2023 йил 14 декабрдаги 660-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ давлат мулки фақат Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш марказининг (кейинги ўринларда – Марказ) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари орқали ижарага бериллади”;

12-банди куйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“Судларга тушунтирилсинки, ижарага олувчи ижарага берувчини мулк ижараси шартномасида белгиланган муддатда, агар шартномада бундай муддат белгиланган бўлмаса, шартноманинг амал қилиши тамом бўлгунча оқилона муддатда бундай шартномани тузиш истаги ҳақида ёзма равишда огоҳлантирган ҳолдагина янги муддатга мулк ижараси шартномасини тузишда шароитлар тенг бўлган ҳолларда ижарага олувчи бошқа шахсларга нисбатан имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади”;

тўртинчи хатбоши тегишлича **бешинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

17.1-бандининг иккинчи хатбошиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Бирок, назарда тутиш лозимки, бир йилдан кам муддатга тузилган бино ва иншоотни ижарага бериш шартномаси бўйича тарафларнинг ҳуқуқий муносабатлари бир йилдан ортиқ муддатда давом этса, бундай шартнома давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт”.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Суд буйруғи бериш тўғрисидаги ишларни кўришда иқтисодий судлар томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2013 йил 5 декабрдаги 254-сон қарори:

2.2-бандининг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

учинчи – тўртинчи хатбошилар тегишлича **иккинчи – учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

20-банди куйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“Судлар инobatга олишлари лозимки, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд буйруғи чиқарилган шахслар учун суд буйруғини бекор қилиш учун ариза беришнинг ўн кунлик муддати уларга суд буйруғи чиқарилганлиги маълум бўлган қундан эътиборан ҳисобланади”;

иккинчи – ўнинчи хатбошилар тегишлича **учинчи – ўн биринчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан экспертизага оид қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 20 июндаги 261-сонли қарори:

4-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

“4. Экспертиза муассасасида экспертизанинг куйидаги турлари ўтказилади:

- суд-экологик экспертизаси, суд-автотехника экспертизаси, транспорт воситаларини ва уларнинг қисмларини баҳолаш экспертизаси, ёнгин-техникавий экспертиза, суд-иқтисодий экспертиза, суд-товаршунослик экспертизаси, суд қурилиш-техникавий экспертизаси, озик-овқат маҳсулотларининг экспертизаси ва ихтисослигидан келиб чиқиб, бошқа турдаги экспертизалар – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази ва унинг ҳудудий бўлимларида;

- шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси – Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларида;

(Давоми 5-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қ А Р О Р И

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

◄ (Бошланиши 4-бетда)

- суд-хатшунослик экспертизаси – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази ва унинг ҳудудий бўлимларида.

Бошқа экспертиза муассасаларида экспертиза уларнинг ихтисослигидан келиб чиқиб, ўтказилиши мумкин”;

22-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“22. Экспертиза қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ўтказилиши лозим.

Намунавий низомнинг 8-бандига кўра, экспертизани тайинлашга ваколатли орган (шахс)нинг қарори (ажрими) асосида тадқиқотларни ўтказиш муддатлари суд экспертизаларининг ҳажми ва мураккаблигига, шунингдек, суд экспертнинг иш ҳажмига кўра 30 кун доирасида белгиланади. Суд экспертизаси турларининг мураккаблик даражаси экспертиза ташкилотининг юқори турувчи идораси, шунингдек, нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари учун Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Тадқиқотларни ўтказишни 30 кун мобайнида бажариш мумкин бўлмаган тақдирда, экспертиза ташкилоти раҳбари муддат ўтишидан 3 иш куни олдин асосланган ҳолда экспертиза тайинлаган ваколатли орган (шахс)нинг қарори (ажрими) бўйича тадқиқотлар қўзғатиш муддатлари иш материаллари экспертиза ташкилотига тўшган кундан кейинги иш кунидан бошлаб ҳисобланади ва суд эксперти хулосаси экспертиза тайинлаган ваколатли орган (шахс)га юборилган кунда тугайди”;

24-бандидаги “8-бандининг учинчи хатбошисига” деган сўзлар “10-бандининг олтинчи хатбошисига” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан видеоконференцалоқа режимида суд мажлисларини ўтказишда процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2014 йил 28 ноябрдаги 270-сонли қарори:

2-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ишни кўраётган иқтисодий суд деганда, иқтисодий иш иш юритувида бўлган иқтисодий суд тушунилади. Видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказишга кўмаклашадиган суд деганда, видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказиш учун техник ва бошқа шароитларни таъминлаётган ва ишни кўраётган иқтисодий суд ҳудудидан ташқарида жойлашган Ўзбекистон Республикаси суди тушунилади”;

4-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этишини таъминлаш учун кўрсатилган шахсларнинг яшаш жойи, жойлашган ери ёки турган жойи бўйича тегишли судларнинг видеоконференцалоқа тизимларидан ёхуд ишни кўраётган суднинг мобил видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланилади.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқи биринчи инстанция судидаги каби, апелляция, кассация ва тафтиш инстанциялари суд мажлисларида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида ишда иштирок этувчи шахслар ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахслар суд мажлисида ИПКнинг 167-моддасида белгиланган тартибга риоя этмаганларида раислик қилувчи суд мажлиси вақтида суд тартибни бузган шахсни огоҳлантиришга, тартибни такроран бузган шахсни суд мажлиси залидан чиқариб юборишга, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 180-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлганда суд мансабдор шахс ёки фуқарони судга ҳурматсизлик қилганлик учун маъмурий жавобгарликка тортишга ҳақли (ИПК 200-моддасининг олтинчи қисми)”.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан процессуал муддатларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2015 йил 19 июндаги 283-сонли қарори:

8.1-бандининг бешинчи хатбошисидаги “305-1-моддасининг иккинчи қисмида” деган сўзлар “310-моддасининг бешинчи қисмида” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11-бандининг иккинчи хатбошисидаги “Банкротлик” деган сўз “Тўловга қобилиятсизлик” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Иқтисодий судлар томонидан қурилиш пудрати шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2016 йил 23 декабрдаги 306-сонли қарори:

1-бандининг иккинчи хатбошисидаги “Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида” 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2003 йил 3 июлдаги 302-сонли, “Капитал қурилишда ҳўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сонли қарорлари ва бошқалар шундай ҳужжатлар сирасига қиради” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2.3-банди қуйидаги мазмундаги **иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

“Ушбу қоида давлат хариди тартиб-таомилларига зид тузилган шартномаларга нисбатан татбиқ этилмайди”;

3-бандининг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2019 йил 24 майдаги 13-сонли қарори:

3-бандининг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбоши тегишлича **учинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

13-бандининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“13. Даъвогар ИПК 157-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган даъво асосини ёки предметини ўзгартириш, даъво талаблари миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш ҳуқуқидан биринчи инстанция судида ҳал қилув қарори қабул қилинунга қадар фойдаланиши мумкин. Мазкур норма иш бошқа инстанцияларда кўрилаётганида қўлланилмайди.

Қайд этилган ҳуқуқдан ҳал қилув қарори юқори инстанция суди томонидан бекор қилиниб, иш биринчи инстанция судида иш юришти қоидалари бўйича кўрилаётганида, шунингдек суд ҳужжати янги очилган ҳолат бўйича бекор қилиниб, иш янги-дан биринчи инстанция судида кўрилаётганда фойдаланилиши мумкин”;

17-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Судлар инобатга олишлари лозимки, айбллиик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб, жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ажрим (қарор) ёки жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарор ёхуд шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарор, улар (ажрим, қарор) билан аниқланган ҳолатларга ҳуқуқий баҳо беришда, далил сифатида қабул қилиниши мумкин”;

29-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бунда назарда тутиш кераки, ИПК 160-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган шартлардан ҳеч бўлмаганда биттаси мавжуд бўлса, қарши даъво иш юриштишга қабул қилиниши мумкин. Агар қарши даъво процессуал қонун ҳужжатлари тартибига риоя қилинган ҳолда тақдим этилган бўлиб, аммо юқорида кўрсатилган моддадаги шартлардан бирортаси мавжуд бўлмаса, қарши даъво қайтарилиши лозим.

Қарши даъво даъво аризасини тақдим этишнинг умумий қоидаларига риоя этган ҳолда тақдим этилган бўлса, судловга тегишлилик тўғрисидаги қоидалардан қатъи назар, суд томонидан иш юриштишга қабул қилинади”;

қуйидаги мазмундаги **32²-банд** билан тўлдирилсин:

“32². Судларга тушунтирилсинки, “Медияция тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қону-нининг амал қилиши медиа-ция-да иштирок этмаётган учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қо-нуний манфаатларига, жамоат манфаатларига дахл қиладиган ёки дахл қилиши мумкин бўлган, шунингдек, маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқади-ган низоларга нисбатан татбиқ этилмайди”.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Чет эллик шахслар иштирокидаги ишларни иқтисодий судлар томонидан кўришда қонунчилик ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида” 2023 йил 20 ноябрдаги 27-сонли қарори:

19-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“19. Чет давлат ҳудудида тузилган ва иқтисодий судга тақдим қилинган расмий ҳужжатларни легаллаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 ноябрдаги 610-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида ҳамда хоржида ҳужжатлар ва далолатномаларни консуллик легаллаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомда белгиланган тартибда амалга

оширилади”.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан иқтисодий ишларни апелляция, кассация тартибида кўришнинг айрим масалалари тўғрисида” 2024 йил 25 мартдаги 10-сонли қарори:

5-бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар ИПКнинг 189-моддасига мувофиқ қабул қилинган қўшимча ҳал қилув қарори устидан ҳам апелляция, кассация шикоят-и беришга, про-курор эса қонунда назарда ту-тилган ҳолларда протест келти-ришга ҳақлидирлар”;

12-бандининг еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Судларга тушунтирилсин-ки, апелляция тартибида ишни кўриш жараёнида, айнан шу суд ҳужжати устидан бошқа шахс-лар томонидан кассация шикоя-ти (протести) тақдим этилган тақдирда, кассация шикоятини (протестини) иш юриштишга қабул қилиш ИПК 291-моддаси би-рин-чи қисмининг 2-бандига асосан рад этилади ва шикоят (про-тест) берган шахсга апелляция шикоят-и (протести) билан му-ро-жаат қилиш ҳуқуқи тушунтири-лади”;

24-бандининг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

учинчи – тўртинчи хатбоши-лар тегишлича **иккинчи – учин-чи хатбошилар** деб ҳисоблан-син;

32-бандининг йигирма тўқ-қизинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

ўттизинчи – ўттиз иккинчи хатбошилар тегишлича йигир-ма **тўққизинчи – ўттиз биринчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

32-бандининг ўттизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ижро ишини юриштишни тиклаш (ИПКнинг 346-моддаси) ҳақидаги ажримлари устидан шикоят қилиниши (протест кел-тирилиши) мумкин эмас”.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан иқтисодий ишларни тафтиш тартиби-да кўришнинг айрим масала-лари тўғрисида” 2024 йил 25 июндаги 21-сонли қарори:

8-бандининг иккинчи хатбо-шиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Давлат божи тўлашни кечик-тириш ҳақидаги илтимоснома судья томонидан тафтиш тарти-бидаги шикоятни иш юриштишга қабул қилишда ҳал қилинади”;

28-бандининг учинчи хатбо-шиси чиқариб ташлансин;

31-бандидаги “умумлашти-риб” деган сўз “заруратга қараб умумлаштириб” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

VI. Ўзбекистон Республи-каси Олий суди Пленумининг маъмурий ишлар бўйича қуйи-даги қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Дав-лат пенсия таъминоти билан боғлиқ ишлар бўйича суд ама-лийёти тўғрисида” 2017 йил 29 ноябрдаги 44-сонли қарори:

рус тилидаги матни **15-бан-дининг иккинчи хатбошиси-даги** “требованиями” деган сўздан кейин “Положения “О порядке назначения и выпла-ты государственных пенсий”, утвержденног” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

рус тилидаги матни **15-банди-нинг иккинчи хатбошисидаги** “Постановления” деган сўз “Пос-тановлением” деган сўз билан алмаштирилсин;

рус тилидаги матни **19-бан-дининг биринчи хатбошиси-даги** “утверждаемым” деган сўз “утвержденным” деган сўз билан алмаштирилсин;

рус тилидаги матни **20-бан-дининг учинчи хатбошиси** “от-сутствие” ва “наличие” деган сўзлардан кейин “заклучения” деган сўзлар билан тўлдирил-син.

2. Ўзбекистон Республика-си Олий суди Пленумининг “Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди то-монидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг ай-рим масалалари тўғрисида” 2018 йил 19 майдаги 15-сонли қарори:

рус тилидаги матни **11-банди-даги** “принятия заявления (жа-лобы)” деган сўзлардан кейин “к производству” деган сўзлар би-лан тўлдирилсин;

15-бандидаги “унинг устидан” деган сўзлар “уларнинг устидан” деган сўзлар билан алмашти-рилсин;

18-бандидаги “қабул қилини-ши” деган сўзлар “кўрилиши” де-ган сўз билан алмаштирилсин;

25-бандидаги “қўрмасдан қолдириш” деган сўзлардан кей-ин “тугатиш” деган сўз билан, “қайтариш” деган сўздан кейин “қабул қилишни рад этиш” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

26-бандидаги “Судларга” де-ган сўз “Судлар” деган сўз билан алмаштирилсин;

27-бандидаги “имкон берган сабаб ва шароитларни” деган сўзлар “сабаб бўлган шарт-ша-роитларни” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республика-си Олий суди Пленумининг “Маъмурий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш ама-лийёти тўғрисида” 2019 йил 25 октябрдаги 20-сонли қарори:

21-банди қуйидаги таҳрирда-ги **иккинчи хатбоши** билан тўл-дирилсин:

“Апелляция, кассация ши-коят-и, тафтиш тартибидаги шикоятни қаноатлантириш рад этилган тақдирда, суд “Дав-лат божи тўғрисида”ги Қонун 10-моддасининг иккинчи қисми талабларидан келиб чиқиб, давлат божи масаласини ҳал қилиши лозим”.

4. Ўзбекистон Республика-си Олий суди Пленумининг “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қар-орлари, ҳаракатлари (ҳара-катсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд ама-лийёти ҳақида” 2019 йил 24 де-кабрдаги 24-сонли қарори:

рус тилидаги матни **2-банди-даги** “исполнительной власти” деган сўзлар “государственного управления” деган сўзлар би-лан, “в соответствии с” деган сўзлар “утвержденные” деган сўз билан алмаштирилсин;

рус тилидаги матни **5-бан-дидаги** “письменной” деган сўз “установленной” деган сўз би-лан алмаштирилсин;

16-бандининг иккинчи хат-бошидаги “Рақобат тўғриси-да”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 34-моддаси” деган сўзлар “Рақобат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қо-нуни 40-моддасининг учинчи

қисми” деган сўзлар билан ал-маштирилсин;

23-банди учинчи хатбоши-даги “чоралар кўрилганлиги” де-ган сўзлар “чоралар кўрилиши” деган сўзлар билан алмашти-рилсин;

23-банди тўртинчи хатбоши-даги “мажбурияти юклатилган-лиги” деган сўзлар “мажбурияти юклатилиши” деган сўзлар би-лан алмаштирилсин;

24-банди чиқариб ташлансин;

25-бандининг биринчи хат-бошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“25. Судларга тушунтирилсин-ки, МСИЮТК 276-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ суд қарорининг жавобгар зиммасига аризачининг ҳуқуқлари ва эр-кинликларини тиклаш ёки улар-ни амалга оширишдаги тўсқин-ликларни бартараф этишга оид мажбурият юкланган қисмининг ижроси маъмурий органга ижро муддати кўрсатилган ҳолда юбо-риладиган суднинг ҳал қилув қар-ори (қарори) асосида амалга оширилади”.

5. Ўзбекистон Республика-си Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан маъмурий ишларни апелляция, кассация тартибида кўришнинг айрим масалалари тўғрисида” 2024 йил 25 мартдаги 11-сонли қарори:

5-бандининг иккинчи хат-бошисидаги “237-моддасининг иккинчи қисмига” деган сўз-лар “237-моддасининг биринчи қисмига” деган сўзлар билан ал-маштирилсин;

6-бандининг иккинчи хат-бошиси “қабул қилинган” деган сўзлардан кейин “ёки қонуний кучга кирган” деган сўзлар би-лан тўлдирилсин;

рус тилидаги матни **8-банди-нинг биринчи хатбошиси** “од-новременно с” деган сўзлардан кейин “апелляционной” деган сўз билан тўлдирилсин;

рус тилидаги матни **15-бан-дининг биринчи хатбошиси-даги** “возвращения” деган сўз “оставления жалобы без рас-смотрения” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18-бандининг учинчи хатбо-шиси “моддий ва процессуал” деган сўзлардан кейин “ҳуқуқ” деган сўз билан тўлдирилсин;

19-бандининг биринчи хат-бошисидаги “215, 239” рақамла-ри “220, 244” рақамлари билан алмаштирилсин;

рус тилидаги матни **22-банди-нинг иккинчи хатбошисидаги** “жалобы” деган сўз “жалобе” де-ган сўз билан алмаштирилсин;

рус тилидаги матни **22-банди-нинг иккинчи хатбошисидаги** “рассматривающей дело” деган сўзлардан кейин “путём вынесе-ния определения” деган сўзлар билан тўлдирилсин;

рус тилидаги матни **28-банди-нинг иккинчи хатбошисидаги** “измененных или” деган сўзлар чиқариб ташлансин;

“Бундай ҳолатда суд ҳужжати-нинг қонунийлигига ишни мазму-нан кўриш натижалари бўйича баҳо берилади”;

30-бандининг учинчи хатбо-шидаги “қарор қисмини” деган сўзлар “хулоса қисмини” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

рус тилидаги матни **31-бан-дининг биринчи хатбошиси-даги** “дела” деган сўз чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси	Б. ИСЛАМОВ
Пленум котиби, Олий суд судьяси	Н. ҲАКИМОВА

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Агар иккала асарни ўқиб, фикран муқояса қилинса, шундай бир та-саввур туғилади: “Ўтган кунлар”да узоқ бир тарих аста бир текисда мақсаддан мақсадга кўчиб, мароқли тас-вирлангани кўрилади. “Меҳробдан чаён”да эса ундай эмас, воқеалар мураккаб, гўё ёзувчи ўртадаги кич-кина бир воқеани баён қилмоқчидек бўлган-у, лекин бу воқеа китобхон-га тўлароқ тушунарли бўлсин учун атрофлича тафсилотларга киришган ва кутилмаганда бир роман ҳосил бўлиб қолгани каби...

Мен Қодирий асарларини қай-та-қайта ўқирканман, китобдаги во-қеаларнинг, чиндан-да, бўлган-бўл-маганлиги тўғрисида у кишига турли-турли саволлар бераверар эдим. Бироқ у киши қулиб, “бу маса-лаларни кейинроқ адабиёт домланг тушунириб беради...” деб қўя қо-лар эдилар. Бундай пайтларда ойим менга ора кирар, дадамнинг менси-магандек бу хил жавобидан аччиқла-нар эдилар:

— Китобни сиз ёзинг-да, маъноси-ни домласи айтиб берсинми? Ўзин-гиз тушунирсангиз бўлмайдимми?

Дадам кулардилар, эринибгина жавоб қилардилар. Аммо у кишининг бундай муомаласи ёш бола кезла-римда эди. Кейин-кейин тушунчама кенгайиб, чуқурлашиб борган сайин мен билан жиддий субҳатлашадиган бўлдилар. Бир кун дадамдан сўра-дим:

— Сизга “Меҳробдан чаён”даги воқеаларни, дарҳақиқат, романнинг хотимасида ёзганингиздек, Қоди-р бобом айтиб берганмилар?

Албатта, бу саволим содда. Аммо у вақтда мен учун жиддий ҳисобла-нар эди.

— Фарғона водийсини чор аскар-лари Тошкентдан ўн йилча кейин истило қилган... — деб гап бошлади-лар дадам. — Фарғонанинг бу сўнгги ўн йил даври Фарғона халқи учун энг оғир, қора кунлар бўлган. Хон авлод-лари ва бузғунчи беклар тахт-мерос, мансаб талашиб, ўзаро шу қадар



● *Тарих тилемилари*

ҚОДИРИЙНИ ЎЙЛАТГАН КҮМУШ

тез-тез урушганлар, қон тўқканларки, баъзан ҳафта-ой сайин тахт ўзгари-ши бўлиб турган.

Шундай безовта ҳаётдан тўйиб, жон сақлаш, тинчроқ яшаш мақсади-да, Тошкентга қочиб келганлар кўп бўлган. Улар бунда ижарага уй олиб, ёки жой харид қилиб яшаганлар. Дадам (Қодир бобом — Х.Қ.) улар билан улфатлашиб, Қўқон можаро-ларини, Анвар кабилар ҳикоясини кўплаб эшитган...

Дадам ана шундай умумай бир тарзда жавоб айтиб, Қодир бободан хусусан, романга доир қандай воқе-алар тинглаганини сўзламаган, эҳти-мол, сўзлашни хоҳламаган эдилар. Аммо кейинчалик романга тааллуқ-ли шундай бир тарихни эшитганим бор.

Қудратилла амаким ҳам тарих ва адабиётга қизиқувчи киши бўлган-лар. (1956 йилда вафот этдилар.) У киши бобомдан шу лавҳани эшит-

ганларини кейинчалик менга айтиб берган эдилар:

Худоёрхон ҳарам ҳовлисига мис-дан катта бир ҳовуз ясатмоқчи бўла-ди. Қўшбош исмли (лақаб бўлса керак) кекса бир мисгар устани қақи-риб, унга мис ҳовуз ясашни буюради. Мисгар буйруқни бир шарт билан қа-бул қилади: “Қариб қолдим, бу оғир ишни ёлғиз бажара олмайман, бир ўғлим бор, ўзи менда зўр уста, унга ҳам ҳарамга кириб, мен билан бирга ишлашга рухсат этсангиз”, дейди. Ху-доёрхон рухсат беради, ота-бола бир неча кун ҳарамга кириб ишлаб, мис ҳовузни битказадилар. Гап шундаки, бу фурсат ичида Қўшбош мисгарнинг ўғли ҳарам канизакларидан бири би-лан севишиб, алоқа боғлайди. Тил бириктириб, бир кун пайт топиб, улар Тошкентга қочиб келадилар ва Эски жўва маҳалласида истикомат қилиб, уй-жойли, бола-чақали бўладилар.

— У хўп чаққон йигит эди-да, хон-нинг канизагини олиб қочибди-я, об-бо, баччағар-эй, хоҳ-хоҳ! — дер экан

лар Қодир бобом.

Қудратилла амаким бобомдан эшитган бу ҳикояни Қодирий эшит-маган бўлишлари мумкинми? Му-лоҳаза этиб, шу сингари кичик-кичик лавҳалар ёзувчининг иккинчи тари-хий романни яратишга туртки бўл-мадимкин, дейман. Аммо қай бир вақт Қодирий: “Ўтган кунлар”га мате-риал тўплаганимда, баъзан қўлимга қизиқ тарихий материаллар тушса ҳам, давр ва ё бошқа жиҳатдан унинг “Ўтган кунлар”га тўғри келмаслигини сезардим. Шундай бўлса-да, улар-ни алоҳида йиғиб борардим. Шу йў-син Худоёр ҳаётига доир анчагина маълумотлар тўплайиб, “Ўтган ку-лар”ни битирган чоғларимда ўрнини “Меҳробдан чаён” ташвиши эгалла-ган эди”, деган сўзларини ҳам эшит-ганим бор.

Юқоридаги мулоҳаза-фикрлар муаллифнинг навбатдаги романини ёзишга мойилланганига оид гаплар-дир. 1926 йили Қодирий “Меҳробдан чаён”ни ёзишга жазм қилгач, гарчи “Ўтган кунлар” муносабати билан ав-вал бир неча марта берган бўлсалар ҳам Қўқонга яна махсус сафарлар қиладилар. Бу сафарлар романнинг яратилишида катта хизмат қилга-ни ва муаллиф ҳақида бирмунча тасаввур бергани важидан муфас-салроқ тўхталиб ўтамиз.


“1925-1926 йиллар бўлса керак, ҳар ҳолда ҳали Тошкентга келмаган чоғларим эди, — деб ҳикоя қилади ёзувчи Абдулла Қаҳҳор, Қодирий-нинг Қўқонга борганини хотирлаб, — шаҳар зиёлилари орасида “Жулкун-бой келибди”, деган гап тарқалди. Мен ўша чоққона Қодирийни асар-лари орқали танир эдим. Айниқса, “Ўтган кунлар” романи шу вақтларда Фарғонада донг чиқарган, уни қўл-ма-қўл ўқилар эди. Қўпчиликнинг “бизнинг уйга кўнинг” таклифини рад этиб, у киши “менга мана шу Жомеъ масжидининг бир хужрасига жой қи-либ бера қолинглар”, деб илтимос қилдилар.

(Давоми келгуси сонда)

Ҳаётда шундай ким-салар ҳам учрайдики, улар қайта-қайта жино-ий қилмишга қўл уриши-га қарамай бундан те-гишли хулоса чиқариш, тўғри йўлни топиш ҳақида ўйлаб ҳам қўр-майди. Масалан, В.На-бижоновани шундай кимсалар тоифасига қўйиш мумкин. Чунки у қирқ ёшга тўлгунга қа-дар бир эмас, икки эмас, нақ йигирма тўққиз мар-та жиноий қилмишга қўл урган. Аниқроқ айт-ганда, у кимнидир алдов йўли билан чув тушир-ган, ниманидир ўғирла-ган. Бунинг оқибатида “хавфли рецедивист” деб топилган.

Бу ҳақда батафсил фикр юритадиган бўлсак, В.На-бижоннова 2023 йил 13 ав-густ куни, тахминан, соат 17.40 да алдаш ёки ишон-чни суиистеъмол қилиш орқали ўзганинг мулкини талон-торож қилиш мақса-дида, пойтахтдаги йирик савдо мажмуасига бориб, телефон аппаратлари соти-ладиган дўконга кирази-да, сотувчидан “Samsung S22” телефон аппаратини кўр-сатишини сўрайди. Ўз навба-тида, сотувчи ёрдамчисига у сўраётган телефон аппа-ратини кўрсатишни буюра-ди. В.Набижоннова телефон аппаратини қўлига олар-кан, атайдан уни айланти-риб кўргандай бўлади-да, сотувчи ёрдамчисидан аппаратнинг қувватловчи USB симини ҳам кўрсати-шни сўрайди. Уни ҳам қўлига олиб, синчиклаб кўравера-ди. Аслида, у сотувчилар-

Жиноят ва жазо



нинг бошқа ишга чалғиб қолишини — ўзига қулай фурсат пайдо бўлишини пойларди, шундай имкон бўлган заҳотиёқ қўлидаги телефоннинг пулини тўла-май қочиб қолади. Бунинг кўриб, сотувчилар дарҳол ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага хабар беришади.

Судда маълум бўлиши-ча, В.Набижоннова ўғирла-ган телефон аппаратини пойтахтимишдаги “Малика” бозорида нотаниш кишига 250 АҚШ долларига сотиб юборган экан.

Орадан уч ой ўтгач, аниқроғи, 2023 йил 20 но-ябрь куни у яна жиноий қил-мишга қўл уради: ўша куни соат 15 ларда у ўғли билан бирга тилла тақинчоқлар билан савдо қилувчи дўкон-да пайдо бўлади ва ўзининг 30 граммлик тилла буюми-ни сотиш ниятида эканини айтади. Сотувчи аёл унинг тилла буюмини ўлчаб кўра-

ди ва ҳар бир граммини 410.000 сўмдан сотиб оли-шини билдиради. Бунга В.Набижоннова рози бўлгач, сотувчи жиянига кўнғироқ қилиб, 12 миллион 300 минг сўм олиб келишини тайин-лайди. Орадан кўп ўтмай сотувчининг жияни пулни олиб келади. В.Набижон-ваннинг ҳийла-найрангини қарангки, у пулни санаб олгач, шошиб ташқарига чиқади-да, аллаким билан телефон орқали гаплашиб, яна дўконга қайтиб кирази. Сўнг дўкон эгасига юзла-ниб, узр, укам зарур бўлган пулни топибди, энди тил-ла буюмини сотишга ҳожат қолмабди, дейди. Шунинг учун пулни олиб, тилла буюмини қайтариб бериш-ни сўрайди. Сотувчи унга эътироз билдирмайди ва тилла буюмини қайтариб бе-ради. Бун қарангки, айни шу пайт В.Набижонваннинг кутилмаганда яна фикри

ўзгариб қолади, у сотувчи-га тилла буюмни узатиб, “бояги пулни бера қолинг, тиллани сотаман”, дея яна 12 миллион 300 минг сўм-ни олиб, шошиб дўкондан чиқиб кетади.

Дўконда В.Набижоннова-нинг хатти-ҳаракатини ку-затиб турган сотувчининг жияни кўнглида шубҳа пай-до бўлади, у ҳоласидан ми-жоз қолдирган тилла буюм-ни кўрсатишини сўрайди. Шунда улар тилла буюмни тарозига тортиб кўришса, В.Набижоннова бошқа — аввалгисидан ҳажми анча кичик тилла буюмни бериб кетган экан. Шундан сўнг улар ҳам дарҳол ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат қилишади.

Халқимиз “қинғир иш-нинг қийғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади” деб бе-жизга айтмаган. В.Набижо-нованинг қилмишлари ҳам тезда ошкор бўлди. Судда

судланувчи В.Набижонова-нинг айби ўзининг қисман иқорлигидан ташқари жабрланувчиларнинг кўр-сатмалари, юзлаштириш, нарсани қабул қилиб олиш ва кўздан кечириш баённо-маси, экспертиза хулосаси, ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақидаги қарор ҳамда бошқа объектив далиллар билан ўз тасдиғини тўлиқ топди.

Суд судланувчини Жи-ноят кодексининг 168-мод-даси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганилига айбдор деб топди ва унга шу модда билан Жиноят кодексининг 57, 59, 61-моддаларига асо-сан, жиноятлар мажмуи бўйича мазкур ҳукм билан тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг 2024 йил 8 октябрдаги ҳукми билан тайинланган жазони қўйиш йўли билан базавий ҳисоб-лаш миқдорининг 200 ба-равари миқдорида, яъни 68.000.000 сўм жарима ва 5 йил 11 ойга озодликдан маҳрум қилиш жазоси та-йинлади.

Хулоса ўрнида айтганда, ҳар ким пешона тери тўкиб, ҳалол яшаса, рўзғорига ҳам барака кирази, ҳам кўнгли хотиржам бўлади. Афсуски, В.Набижоннова бу йўлдан бормади, аксинча, ўзига — аёл шаънига қинғирлиқни раво кўрди. Қинғирлик эса, ҳеч қачон барака келтир-майди. Буни эсдан чиқар-маслик лозим.

Фарҳод ҲИКМАТУЛЛАЕВ,
жиноят ишлари бўйича
Сирғали тумани
суди раиси



АЗИЗ САНЖАР: НОБЕЛДАН СЎНГ АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО МУКОФОТ!

Бу йил мукофотга таниқ-ли турк биокимёғари, Нобель мукофоти совриндори, Ўзбе-кистон Миллий университети фахрий доктори Азиз Санжар сазовор бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Азиз Санжарни самимий та-бриклаб, нуфузли мукофотнинг илм-фан арбобига топшири-лиш туркий дунё олимлари, жумладан, ёшларни янги мар-раларни забт этишга илҳом-лантиришини алоҳида таъкид-лади.

Туркий давлатлар ташки-лотининг буюк мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоий номидаги мукофоти давлати-миз раҳбари ташаббуси билан 2021 йилда таъсис этилган. У туркий маданиятни тарғиб қилиш, тинчликни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш ва ишончни мустаҳкамлаш, шунингдек, туркий халқлар ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтиришга қўйилган алоҳида ҳисса учун ҳар икки йилда бир марта топ-ширилади.

АЗИЗ САНЖАР КИМ?

Туркий халқлар вакилла-ри орасида фақат икки киши машҳур Нобель мукофотини олган, холос. Бири — туркия-лик ёзувчи Орхан Памук, ик-кинчиси эса, Азиз Санжар.

Азиз Санжар 1946 йил 8 сентябрда Туркиянинг Мар-дин вилояти Савур туманида туғилган. Ота-онаси саккиз нафар фарзандни қийинчилик билан вояга етказишган, би-роқ барча болалари таълим олиши учун шароит яратиб беришган. Азиз Санжар ўрта мактабни битириб, 1969 йилда Истанбул университетининг тиббиёт факультетини та-момлаган. 1971 йилда АҚШга кўчиб борган. Далласдаги Те-хас университетида молеку-ляр биология бўйича магист-ратура ва аспирантурани тамомлаган. 1977-1982 йил-ларда Йел университетиди докторантурада тахсил олган. 1982 йилдан буён Шимолий Каролина университетининг Чапел-Хилл шаҳрида яшаб, фаолият кўрсатади. Турмуш ўртоғи — биокимёгар Гвен Санжар (Esta Gwendolyn Boles Sancar), Далласдаги Техас университети тамомлаган. Шимолий Каролина универси-тети профессори.

Азиз Санжар 2015 йилда ДНКни тиклаш механизмлари-ни ўрганиш бўйича Томас Лин-дал ва Пол Модрич билан бир-галикда кимё бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлган. 2023 йилнинг январиди Тур-киянинг Мардин аэропорти Азиз Санжар шарофига қайта номланди. 2025 йил 19 январ-да АҚШнинг Шимолий Кароли-

на штатидаги Санжар мада-ният марказида бўлиб ўтган маросимда ТУРКСОЙ бош ко-тиби Султан Раев унга “Туркий дунёнинг маданият элчиси” медалини топширди.

“ЎЗБЕКИСТОНГА МЕҲРИМ БЎЛАКЧА”

Азиз Санжар Ўзбекистон тарихи ва маданиятига эъти-бор юксак эканини ҳамisha эътироф этади.

2018 йил 16 октябрь куни Ўз-бекистон Миллий университе-тида “Азиз Санжар: сарҳадсиз билим ичра кечган ҳаёт” мавзу-сида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Анжуман якунида Азиз Санжарга ЎзМУ фахрий доктори унвони берилди.

Сафар асносида атоқли олим Азиз Санжар Ўзбекис-тонга келганидан гоят мамнун бўлганини, негаки, бу замин унинг учун қадрли эканини қайд этди.

“Мен қардошларим билан дийдорлашгани келдим. Мен-га берилган Нобель мукофоти, аслида, барча туркий халқлар-га тегишлидир. Яшириб нима қилдим, ушбу нуфузли муко-фотга сазовор бўлганимдан кейин турли мамлакатларга таклифлар кўпайди. Вақтим камлиги боис таклифларнинг аксарини рад этишга маж-бур бўламан. Аммо туркий қардошларимнинг таклифини бажонидил қабул қилдим”, — деди олим.

Туркиялик профессор илм-нинг юксак чўққиларини забт этиш борасидаги шахсий тажрибаси хусусида ҳам сў-злаб, бугунги даврда ёшлар-ни илм-фанга қизиқтириш бирламчи вазифа эканини таъкидлади.

“Мени Ўзбекистонга қандай-дир моддий манфаат эмас, балки соғинч етаклаб келди. Бу — ватаним олдадаги бурчим эди! Энг асосийси, мен бу ерга ёшларда илмга рағбат уйғотиш мақсадида ташриф буюрдим. Бугун биз туркий дунё ёшлар-ида илмга рағбатни кучайтир-моғимиз лозим”, — деганди про-фессор Азиз Санжар.

Атоқли олим, хусусан, за-монавий билимлар, рағб фа-ни ютуқларини ўзлаштириш муҳим эканига эътибор қарат-ди.

“Илм-фансиз жаҳонда ҳур-мат-эътибор қозониб бўлмай-ди. Бунга эса, турк дунёси бир ёқадан бош чиқарибгина эри-шиши мумкин. Ҳамкорликда ишлашда гап кўп. Бизни уму-мий тил, дин ва тарихий ил-дизлар боғлаб туради. Бирга-ликда кўп ишларга қодирмиз, жумладан, илм-фан соҳасида ҳам юксак чўққиларни эгаллай оламиз”, — деди олим.

Рустам ЖАББОРОВ,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори

МУАССИС:

**Ўзбекистон Республикаси
Олий суди**

Бош муҳаррир:

Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам билан
рўйхатдан ўтган.



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Икром МУСЛИМОВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифхон МИРЗАҚУЛОВ

Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ
Жамшид САДИНОВ
Муродулло ҚОДИРОВ
Замира ЭСАНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Сахифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллими: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота
кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-515 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 3 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 5957
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 00⁴⁵.